

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Илмий-методологик кенгаши низоми

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Илмий-методологик кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) фаолиятини ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг (кейинги ўринларда – Қўмита) маслаҳат органидир.

3. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низом ҳамда мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

II. Кенгашни ташкил этиш мақсади, вазифалари ва ҳуқуқлари

4. Кенгашни ташкил этишнинг асосий мақсади:

давлат статистика соҳасини ривожлантиришнинг стратегик масалалари бўйича тавсиялар тайёрлаш;

расмий статистика соҳасида илмий-методологик тадқиқотлар ўтказиш ва методологик ҳужжатларни ишлаб чиқишда ягона ёндашувни таъминлаш;

статистик кузатувларни ўтказиш, статистик кўрсаткичларни шакллантириш борасида замонавий ёндашувларни амалиётга жорий этиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

Давлат статистика қўмитаси ва мамлакатдаги статистик маълумотларни ишлаб чиқарувчи бошқа органларнинг расмий статистика соҳасидаги методологик ҳужжатларининг эксперт ва маслаҳат таҳлилини ўтказиш.

5. Кенгашнинг асосий вазифалари:

давлат статистика соҳасини ривожлантиришда стратегик масалаларни, илмий-методик тадқиқотлар ва методологик ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш;

расмий статистика соҳасида халқаро тамойилларга мувофиқ ягона статистик методологияни ишлаб чиқишда устувор йўналишларни белгилаб бериш;

статистик кўрсаткичларни шакллантириш ва ҳисоблашда замонавий илғор тажрибалар ва ёндашувларни жорий этиш, давлат статистика кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш ишларини амалга ошириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

Қўмита фаолиятига жорий этиш учун мўлжалланган илмий тадқиқотлар ва методологик ишланмаларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш;

расмий статистика соҳасида илмий-методологик тадқиқотлар ўтказиш ва методологик ҳужжатларни тайёрлаш йиллик режалари лойиҳалари бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва тавсиялар тайёрлаш;

расмий статистика соҳасини юритишда ваколатли давлат органлари томонидан ишлаб чиқилган методологик ҳужжатларни кўриб чиқиш;

зарур ҳолларда, алоҳида ҳужжатлар лойиҳалари, статистик кузатувлар шакллари, сўровномалар, статистика соҳаси бўйича таклиф ва тавсияларни экспертизадан ўтказиш;

расмий статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш масалаларини кўриб чиқиш;

давлат статистика тизимини методологик воситалар билан таъминлаш, расмий статистика соҳасида маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш, илмий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

йил якуни бўйича Давлат статистика қўмитасининг илмий-методологик фаолияти натижаларини кўриб чиқиш.

6. Кенгаш ўзига юкланган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Қўмита фаолияти учун бажариладиган илмий-методологик тадқиқотлар ва ҳужжатлар мавзуларини, соҳага оид илмий-методологик тадқиқотлар ва ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун тавсия этиш;

расмий статистика соҳасини юритишда Қўмита таркибий бўлинмалари ҳамда ваколатли давлат органлари томонидан ишлаб чиқилган методологик ҳужжатлар бўйича хулосалар бериш;

Қўмита таркибий бўлинмалари, ҳудудий статистика органлари, расмий статистика соҳасида ваколатли давлат органларига статистик кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича маслаҳатлар бериш;

Қўмита таркибий бўлинмаларидан Кенгаш фаолиятини амалга ошириш учун зарур маълумотларни сўраш ва олиш;

статистик маълумотларни юритиш ваколатига эга бўлган давлат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган расмий статистик методология бўйича материалларни кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда ўз йиғилишларида улар вакилларининг маърузаларини эшитиш;

Кенгаш ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш.

III. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

7. Кенгаш аъзолари Кенгаш раиси, Кенгаш раиси ўринбосарлари, Кенгаш котиби, шунингдек Қўмитанинг раҳбар ходимлари ҳамда илмий ва ўқув муассаларининг юқори малакали мутахассисларидан иборат бўлган Кенгаш аъзоларидан таркиб топади.

Кенгаш аъзолари таркиби Давлат статистика кўмитаси раиси томонидан тасдиқланади.

8. Расмий статистика соҳасини ривожлантириш бўйича масалаларни кўриб чиқиш учун Кенгаш йиғилишларига Қўмита таркибий бўлинмалари, ҳудудий статистика органлари раҳбарлари, давлат органлари (ташкилотлари), илмий ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва экспертлари ҳам таклиф этилиши мумкин.

9. Кенгаш ўз фаолиятини Кенгаш йиғилишида тасдиқланган режага мувофиқ амалга оширади.

10. Кенгаш йиғилишлари заруратга қараб, лекин йилда камида 2 марта ташкил этилади.

Кенгаш йиғилишини ўтказиш вақти ва кун тартиби тўғрисида Кенгаш аъзолари ва таклиф этиладиган экспертлар йиғилишдан бир ҳафта олдин Кенгаш котиби томонидан ёзма равишда хабардор қилинади.

11. Кенгаш фаолиятини Кенгаш раиси бошқаради, Кенгаш раиси бўлмаган даврда унинг вазифаларини Кенгаш раисининг ўринбосарларидан бири бажаради. Кенгаш аъзолари ўз ваколатларини Кенгаш аъзолари бўлмаган шахсларга топширишга ҳақли эмас.

12. Кенгаш йиғилишларида Кенгаш аъзолари сонининг ярмидан кўпи иштирок этса, ушбу йиғилишлар ваколатли ҳисобланади.

Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолса, унда Кенгаш раиси (Кенгаш йиғилишида раислик қилувчи)нинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

13. Кенгаш раиси (раис бўлмаган тақдирда – Кенгаш раиси ўринбосари) Кенгаш йиғилишларига раислик қилади, мазкур Низомга мувофиқ Кенгаш ишини ташкил қилади ва режалаштиради.

14. Кенгаш йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалалар рўйхатини тузиш, Кенгаш йиғилишларига тайёргарлик кўриш, тегишли ҳужжатлар ва материалларни тайёрлаш, Кенгаш йиғилишлари баёнларини юритиш Кенгаш котиби томонидан амалга оширилади.

15. Кенгаш йиғилишлари баён билан расмийлаштирилади ҳамда Кенгаш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

16. Кенгаш йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги ахборотлар Қўмитанинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

17. Кенгашнинг ташкилий ва ахборот таъминоти Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси томонидан амалга оширилади.